



ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жўраев Фарҳоджон Махмуджон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ
кафедраси ўқитувчиси*

E-mail: farhodjurayev272@gmail.com

Тел: +998977560292

Аннотация: Мақолада ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тушунчаси, усуллари, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда ушбу тергов ҳаракатини самарадорлигини оширишда тутган ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада қасддан одам ўлдириш, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик ҳолатларида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш усулларини самарали қўллаш билан боғлиқ мауммолар чуқур таҳлил қилиниб, амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ҳодиса содир бўлган жой, кўздан кечириш, кўздан кечириш усуллари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси.

ХАРАКТЕРИСТИКИ МЕТОДОВ ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ

Жўраев Фарҳоджон Махмуджон ўғли

*Преподаватель кафедры Уголовно-процессуальное право Академии МВД
Республики Узбекистан*

E-mail: farhodjurayev272@gmail.com

Тел: +998977560292

Аннотация: В статье анализируются понятие, методы осмотра места происшествия, их содержание и значение, а также роль в повышении эффективности данного следственного действия. Также в статье проведен глубокий анализ моммзонов, связанных с эффективным применением методов осмотра места происшествия в случаях умышленного убийства, нанесения тяжких телесных повреждений, бесчестья, посягательства, грабежа, разработаны соответствующие предложения и рекомендации по устранению имеющихся проблем на практике.

Ключевые слова: место происшествия, осмотр, методы осмотра, тактика осмотра места происшествия.



SPECIFICATIONS OF INCIDENT SITE INSPECTION METHODS

Juraev Farkhodjon Makhmudjon ugli

Lecturer at the Department of Criminal Procedure Law of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: farhodjurayev272@gmail.com

Tel: +998977560292

Annotation: The article analyzes the concept, methods, their meaning and significance and their role in improving the effectiveness of this investigative action. The article also provides an in-depth analysis of maummos related to the effective use of methods of conducting an examination of the place of occurrence in cases of deliberate killing, severe bodily injury to the body, inappropriate touching, invasion, robbery, and developed relevant proposals and recommendations for eliminating existing problems in practice.

Key words: scene of the incident, inspection, methods of inspection, tactics of inspection of the scene.

Маълумки, жиноятларни тез ва тўла очиш жиноят ҳақида хабар келиб тушган заҳоти кечиктириб бўлмайдиган тергов ва процессуал ҳаракатларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Айниқса, ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳининг ўз вақтида чиқиши, у ер кўздан кечирилиб, вазиятнинг қайд қилиниши, далиллар ва изларнинг олиниши, қўлга киритилган маълумотлар асосида жиноятни “иссиқ изларидан” очишга қаратилган ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жиноят аломатларига эга ҳодисанинг натижаларини мақсадга мувофиқ равишда фаол ўрганишдан иборат.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш изларни аниқлашга, тадқиқ этишга ва сақлашга доир зудлик билан чора қабул қилиш, жиноят оқибатларини қайд қилиш мақсадларида ўтказилади [1, Б.29].

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси мазмунида тактик усуллар ва услублар мажмуи назарда тутилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши тергов ҳаракати мақсадига энг тез ва муваффақиятли эришилишини таъминлайди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикасини танлаш кўп жиҳатдан содир этилган жиноят турига ва ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, қотиллик жиноятида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси ўғирлик жиноятида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга нисбатан бошқача бўлиши аниқ. Шунингдек, кўздан кечириш ҳодиса содир бўлган жойга қараб – майдон, бино, очиқ жой, дала ёки турар жойлардан



келиб чиқиб алоҳида хусусиятларга эга. Шу муносабат билан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикасини умумий қоида ёки ҳодиса жойининг моддий ҳолатини ўрганишда терговчи учун ҳаракатлар дастури деб ҳисобламаслик керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг криминалистикадаги “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикасининг умумий қоидалари” деб номланган бир қатор қоидаларга риоя қилишига боғлиқ. Ушбу зарурий қоидаларга қуйидагилар киради: кечиктириб бўлмаслик, объективлик, тўлиқлик, фаоллик, услубийлик ва изчиллик.

Кўздан кечиришнинг ўз вақтида ўтказилиши бу тергов ҳаракатини зарурат туғилиши биланоқ ўтказилишини англатади. Ушбу қоида терговнинг дастлабки босқичида айниқса долзарбдир, чунки ҳодиса содир бўлган жойнинг дастлабки ҳолати, жиноятнинг алоҳида моддий изларига турли хил салбий омиллар (об-ҳаво шароити, инсон ва бошқа организмлар фаолияти ва бошқалар) таъсир қилади, натижада улар қисқа вақт ичида ўзгариши мумкин ёки тиклаб бўлмайдиган даражада йўқолиб кетиши мумкин.

Кўздан кечиришнинг объективлиги, терговчи ҳодиса содир бўлган жойнинг моддий ҳолатини, жиноят изларини ва иш учун муҳим бўлган бошқа нарсаларни кўздан кечириётганда уларни ушбу объектларни кўздан кечириш вақтида топган шаклида ва ўз ҳолатида қабул қилишини назарда тутаяди. Кўздан кечиришнинг объективлиги тергов ҳаракатининг бориши ва натижаларини белгилашда ўз ифодасини топади: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси терговчининг барча ҳаракатларини, шунингдек кўздан кечириш давомида топилган барча нарсаларни кўздан кечириш кетма-кетлигида, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади.

Объективлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир қоида кўздан кечиришнинг тўлиқлигидир. Бу биринчидан, кўздан кечириладиган ҳодиса чегараларини тўғри белгилашни, иккинчидан, объектни тавсифловчи маълумотлар миқдори, унинг хусусиятларини тавсифлашнинг аниқлиги ва конкретлигини таъминлайди.

Кўздан кечиришдаги фаоллик терговчининг кўздан кечириш иштирокчиларини ҳодиса содир бўлган жойда қидирув ва когнитив фаолиятга жалб қилиш бўйича ташкилий ва сафарбарлик фаолиятига оид муаммоларини ҳал қилишда қатъиятлилиги ва фидойилигида, зарур бўлган маълумотни олишда ижодий ёндашувида, шунингдек, жиноятни “иссиқ изидан” очишга интилишида намоён бўлади.

Кўздан кечиришнинг услубий хусусияти терговчи ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳодиса содир бўлган жойнинг моддий ҳолатини ва жиноятнинг алоҳида изларини ўрганиш жараёнида муайян



вазиятни ҳисобга олган ҳолда энг самарали, оқилона йўллар, усуллар ва воситалардан фойдаланишида намоён бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жой қаерда бўлишидан қатъи назар, терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини, яъни терговчи ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчилари ҳаракатларининг аниқ, қатъий белгиланган тартибини кафолатлайдиган ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминлаши шарт. Ушбу талаб, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойнинг моддий аҳволига атайлаб ёки тасодифий ўзгартиришлар киритишни истисно қиладиган чораларни кўришни назарда тутаяди, бу нафақат терговчини тўғри йўлдан адаштириши, балки жиноят излари ва бошқа нарсаларнинг зарарланишига ёки йўқолишига олиб келиши мумкин [2, Б.34].

Ҳодиса содир бўлган жойда вазиятни ўрганиш терговчи томонидан бир қатор ташкилий-тактик тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Ушбу бўлиниш, шунингдек, гуруҳларнинг номи маълум даражада шартли ҳисобланади, чунки бу тадбирлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирига қарам ва бир-бири билан шартлашилган, фақатгина уларнинг бирлиги “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси” деб номланган мажмуани ташкил қилади.

Ташкилий тадбирларнинг мақсади ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун зарур шарт-шароитларни яратишдир. Бунга қуйидагилар киради: кўздан кечиришнинг бошланғич нуқтасини танлаш; кўздан кечириш пайтида ҳодиса жойида ҳаракатланишнинг мақсадга мувофиқ усулини танлаш; тергов ҳаракатлари иштирокчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш (бу масала тергов-тезкор гуруҳи ёки бир нечта терговчилар томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда айниқса долзарбдир).

Бошланғич нуқтани танлаш кўздан кечиришни қаердан бошлаш мақсадга мувофиқлигини ҳал қилишни англатади [3, Б.79]. Бунда кўздан кечиришни бошлаш ҳодиса содир бўлган жойнинг марказиданми (бу криминалистикада ҳодиса содир бўлган жойнинг географик марказини эмас, балки жиноятнинг энг муҳим излари тўпланган жойни англатади) ёки унинг атрофидан яъни чеккаданми деган масала ҳал қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойда уни кўздан кечириш жараёнида ҳаракатланишнинг мақсадга мувофиқ усулини танлаш кўздан кечиришнинг бошланғич нуқтасини танлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, турар-жой ёки бинолар ҳодиса содир бўлган жой сифатида кўздан кечирилганда, одатда, умумий кўздан кечириш ҳудудининг чеккасида яъни бинонинг ташқи томонидан (кўздан кечиришнинг бошланғич нуқтаси - бинога кириш жойи) бошлаб амалга оширилган. Кўздан кечиришнинг бошланғич нуқтасини ва ўрганилаётган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш



йўналишини танлаш маълум даражада содир этилган жиноят турига ва унинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Агар терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни марказдан бошлашга қарор қилган бўлса, ҳаракатланиш, одатда, эксцентрик тарзда амалга оширилади (“очиладиган спирал” усули) [4, Б.297]. Агар ҳодиса содир бўлган жой катта майдон бўлса, унда кўздан кечиришни “секторлар бўйича” ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳодиса содир бўлган жой бўлимларга (секторларга) бўлинади ва терговчи ҳодиса содир бўлган жойни бир сектордан бошқасига ўтиб кўздан кечирилади [5, Б.298]. Сектор ичидаги ҳаракат йўналиши ҳар бир ҳолатда алоҳида белгиланади.

Аксинча, терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни чекка-атрофдан бошлашга қарор қилган бўлса, кўздан кечириладиган ҳудуд атрофида ҳаракат концентрик тарзда амалга оширилади. Сезиларли даражада катта ҳудудларни кўздан кечириш фронтал (чизиқли) усулда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда ҳодиса содир бўлган жой қисмларга бўлинади (одатда тўртбурчаклар, квадратлар ёки бошқа шаклда) ва терговчи кўздан кечиришни ҳудуднинг бир четидан унинг қарама-қарши четига қараб амалга оширилади ва худди шундай йўл билан бошқа ҳудудлар ҳам кўздан кечирилади.

Тергов амалиётида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаларини ўрганиш давомида қасддан одам ўлдириш, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш жиноятларида ҳодиса содир бўлган жой 98% дан ортиқ ҳолатларда концентрик ёки эксцентрик усулида, 2% дан кам ҳолатларда фронтал усулида кўздан кечирилганлик гувоҳи бўлди. Босқинчилик, талончилик ҳолатларида эса ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш эксцентрик тарзда амалга оширилган.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида ҳаракатнинг энг мақсадга мувофиқ усулини танлаш, шунингдек, кўздан кечиришнинг бошланғич нуқтасини танлаш асосан индивидуал хусусиятга эга бўлиб, уни терговчи мустақил ҳал қилиши керак [6, Б.74]. Аммо, буни тергов қилинадиган ҳодисанинг барча ҳолатларидан ва ҳодиса жойидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин: субъектив ва объектив; статик ва динамик; эксцентрик ва концентрик; фронтал ва тугунли. Ушбу усулларни танлаш тергов вазиятларига боғлиқ бўлади.

Субъектив усулда терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни жиноятнинг содир этилиш механизмининг ҳисобга олган ҳолда, жиноят содир этган шахснинг ҳудуд бўйича тахминий ҳаракатланиш йўналишлари ҳамда у тегиши мумкин бўлган объектларни кўздан кечириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳам бу усул билан нафақат ҳодиса содир бўлган жой, балки унинг атрофи ва алоҳида аҳамиятга молик излар ҳам кўздан кечирилиши мумкин.



Кўздан кечириш давомида субъектив усул қўлланилганда ҳодиса содир бўлган жойдаги ва унинг атрофдаги жинойтчининг хатти-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган ёки ҳодисанинг бошқа иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ўрганилиши талаб этилмайди, ҳатто улар иш учун муҳим бўлиши мумкин деб ҳисобланса ҳам [7, Б.168].

Объектив усул жинойт содир этган шахснинг тахминий ҳаракатлиниш йўналишлари ва ҳудудларидан қатъий назар, ҳодиса содир бўлган жойни барча ҳолатларини тўлиқ ўрганишга қаратилган. Бу усул ҳодиса содир бўлган жойнинг барча жиҳатларини, яъни жинойтга оид ҳар қандай излар ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни ўз ичига олади. Бизнингча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда субъектив усулни қўллаш ва унинг талаблари доирасидан чиқмаслик унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Аксинча, объектив усулни қўллаш тўғри ва мақсадга мувофиқ, чунки у ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятни тўлиқ ўрганишни таъминлайди ва кўздан кечириш натижалари барча талабларга мос бўлишига хизмат қилади.

Статик ва динамик усуллар моҳиятига кўра ҳодиса содир бўлган жойни ва унинг алоҳида элементларини ўрганишнинг аниқроқ усуллари ҳисобланади. Статик усул қўлланганда кўздан кечириладиган объектларнинг (излар ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсалар) ҳеч бирига тегинмасдан, уларнинг жойлашуви ўзгартирилмасдан кўздан кечириш амалга оширилади. Динамик усул, аксинча, кўздан кечириладиган объектларни тўлиқ ва аниқ текшириш мақсадида уларни қўлга олиш, жойлашувини ўзгартириш, ҳаракатлантириш, ағдариш, ўлчаш, тортиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўрганишни билдиради.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳар қандай муҳим таркибий қисмлар ва деталларни кўздан қочирмаслик учун аниқ белгиланган тизим асосида амалга оширилиши керак. Шунга кўра, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида турли хил комбинацияларда ишлитиладиган ҳаракатларнинг қуйидаги тўртта асосий усули мавжуд: *эксентрик, концентрик, фронтал ва тугунли (излар ва бошқа нарсалар тўплами)*.

Эксентрик усулда кўздан кечириш ҳодиса жойининг марказидан спирал шаклида атрофни айланиб текшириш орқали (*марказдан четга*) олиб борилади.

Концентрик усул эксентрик усулнинг тескараси бўлиб, унда кўздан кечириш ҳодиса жойининг атрофидан тортиб спиралсимон шаклда ҳодиса жойининг марказига қараб (*четдан марказга*) амалга оширилади.

Фронтал усул – ҳодиса жойининг чегараси белгилаб олиниб, бир нуқтадан иккинчи нуқтагача яъни ҳудуд ёки биноларнинг бир чеккасидан бошқасига бир чизиқ бўйлаб (чизиқли йўналишда) кўздан кечиришни назарда тутди [8, Б.283].

Тугун усули – кўздан кечириш “тугундан тугунга” кетма-кетликда, яъни ҳодиса жойини бўлақларга ёки қисмларга ажратган ҳолда амалга оширилади. У субъектив, объектив, статик ва динамик усулларнинг таркибий қисмларини ўз



ичига олади ва ҳодиса содир бўлган жойда тегишли тугунларни аниқлаш мумкин бўлганда қўлланилади [9, Б.784].

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг юқорида қайд этилган барча усуллари аслида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда вазиятни идрок этиш ва англаш усулларининг таркибий элементлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб биз ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда вазиятни идрок этиш ва англаш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажритишни лозим топдик:

1. Кузатиш – одатда содир бўлган воқеа ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида ҳодиса жойидаги вазиятни, ашё ва буюмларнинг жойлашувини ва бошқа объектларни фаол бир мақсадга қаратилган режа асосида, маълум бир кетма-кетликда, мақсадли ҳамда синчковлик билан кўздан кечириб, ўрганиш ва тадқиқ қилишдир. Кузатиш жараёнида терговчи ақлий фаолоият, биринчи навбатда мантиқий фикрлаш орқали содир этилган воқеа-ҳодиса хусусиятларини англаши лозим. Кузатиш жараёнида ҳодиса юзасидан вужудга келган фикр ва хулосалар ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнининг ўзида ёхуд бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда мавжуд фактларни мантиқий таҳлил қилиш йўли билан тасдиқланиши (ёки инкор этилиши) мумкин.

Қўшимча техник воситалар ва турли асбобларни қўллаш шароитида кузатув доирасининг ва самарадорлигининг ошиши табиийдир.

2. Ўлчаш – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда асосий ва муҳим усуллардан ҳисобланади. Кўздан кечириш баённомасида ҳодиса жойидаги вазият аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Объектларнинг ҳажми, ҳодиса жойида жойлашуви, улар орасидаги масофалар, лозим бўлса вазнлари, ҳароратлари, босимлари, у ёки бу физикавий ёки кимёвий ҳодисаларнинг уларга таъсир этиш вақтлари ва шу кабиларнинг баённомада аниқ акс эттирилиши кўздан кечиришнинг объективлигини таъминлайди.

Кўздан кечириш жараёнида объектларни ўлчовида йўл қўйилган хато ишнинг натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, терговчи ҳодиса жойида топилган жиноят қуроли бўлган пичоқни ўлчашда бир неча миллиметрга адашган бўлиши мумкин. Лекин, экспертиза ўтказиш даврида унинг ўлчови 1 мм.гача аниқ кўрсатилган. Бундай ҳолат, кейинчалик судда жиноят қуроли айнан шу пичоқлигига шубҳа уйғотиши табиийдир.

3. Ёзма таърифлаш. Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижалари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 141-моддаси талабларига кўра баённомада ёзма таърифлаш йўли билан қайд этилади. Ушбу норманинг ўзида баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилиши, топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилиши лозимлиги кўрсатиб



ўтилган. Ушбу қоидаларга қатъий риоя этилиши кўздан кечиришнинг объективлигини таъминлайди. Вазиятни ёзма таърифлаш ўз-ўзидан кузатув ва ўлчов методлари қўлланилгандан сўнг амалга оширилади. Кўздан кечириш баённомаси бевосита ҳодиса жойини кўздан кечириш вақтида ёки ушбу тергов ҳаракати ўтказилиши биланоқ тузилиши мумкин.

4. Қиёслаш усули ҳодиса жойини кўздан кечиришда камроқ учрасада, воқеа ҳолатларини тўлиқ англашда таъсирчан усуллардан ҳисобланади. Қиёслаш учун бир бирига ўхшаш бўлган камида иккита объект керак бўлади (масалан из ва уни қолдирган объект). Ҳодиса жойида қолдирилган бармоқ изининг жабрланувчига тегишлилигини эксперт криминалистлар ёхуд тажрибага эга бўлган терговчилар ҳодиса жойининг ўзидаёқ таққослаб, аниқлаб олишлари мумкин. Гоҳида, топилган изларни аввал кузатилган ва эсда қолган объектлар билан таққослаш мумкин бўлади (масалан эркаклар ёки аёллар, ёхуд катталар ёки болалар пойабзал излари ва ҳок.). Гарчи, бундай хулосалар далил кучига эга бўлмасада, терговнинг йўналишини белгилаб олишда мақул восита сифатида қўл келади.

5. Эксперимент ҳам воқеа ҳолатларини тўлиқ англашда тез-тез ишлатиладиган усуллардан ҳисобланади. Лекин, эксперимент тергов ҳаракатидан фарқли ўлароқ, ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида ўтказилган эксперимент мустақил ҳаракат хусусиятига эга бўлмайди ва фақатгина ҳодиса жойидаги вазиятни чуқурроқ ва тўлароқ англаш воситаси бўлиб ҳисобланади. Масалан, дераза-эшикларнинг очилиб-ёпилиши, маиший техник ускуналарнинг ишлаш-ишламаслиги, ҳодиса жойида электр қуввати бор-йўқлиги ва шу каби масалаларга эксперимент ўтказиш йўли билан ойдинлик киритиш мумкин. Ҳар ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш даврида ўтказиладиган экспериментлар алоҳида тайёргарлик кўришни талаб этмайдиган оддий ҳаракатлардан иборат бўлади.

6. Моделлаштириш. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда мавжуд вазиятдан – объектларнинг жойлашувидан, қўл, оёқ, пойабзал, транспорт, бузиш қуролларидан қолган излар ва шу кабиларнинг хусусиятидан, уларнинг пайдо бўлиш механизмларидан келиб чиқиб, ҳодисанинг қандай рўй берганлиги тўғрисида хулосалар чиқариш мумкин. Албатта, бундай хулосалар ҳам тахминий ҳам моддий бўлиши мумкин.

Иш бўйича илгари суриладиган тусмоллар бир нечта бўлиши каби, кўздан кечириш даврида рўй берган ҳодисани моделлаштириш ҳам бир нечта бўлиши табиийдир. Ушбу моделларнинг қай бири тўғрилигига кўздан кечириш ёки кейинги ўтказилган тергов ҳаракатлари натижаларига кўра жавоб топиш мумкин бўлади. Ҳар ҳолда, рўй берган ҳодисани тўғри моделлаштириш терговнинг йўналишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

7. Физикавий ва кимёвий усуллар. Ҳозирги кунда, ҳодиса содир бўлган жойни илмий-техника воситаларисиз кўздан кечиришни тасаввур қилиб



бўлмайди. Масалан, ультранур, махсус кимёвий реактивлар ёки бошқа воситалар ёрдамида кўзга кўринмайдиган изларни топиш, уларнинг хусусияти ва келиб чиқиш механизмларини аниқлаш имконияти мавжуддир. Бундай усулларнинг қўлланилиши, албатта кўздан кечириш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

8. Криминалистик усуллар. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қўлланиладиган мазкур усулларга турли излар ва ашёвий далилларни топиш, қайд қилиш ва сақлаш ҳамда кўздан кечиришда қўлланиладиган тактик методлар киради. Масалан, **концентрик** (ташқаридан марказга қараб кўздан кечириш), **экцентрик** (марказдан ташқарига қараб кўздан кечириш), **фронтал** (бирон бир объект, масалан йўл ёки дарё бўлаб кўздан кечириш), **марказли (узловой)** алоҳида объектлар ёхуд атроф-теваракдаги ориентирлар бўйича кўздан кечириш), **аралаш** [10, Б.168].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда терговчи томонидан юқоридаги усуллардан қайси бири қўлланилишидан қатъи назар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг тактикаси кўздан кечирилаётган ҳодисанинг умумий ҳолати ва элементлари тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот олишга қаратилган бўлиши муҳимдир. Кўздан кечириш давомида терговчи томонидан олинган маълумотларнинг миқдори ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш сифати ва ҳажмига бевосита мутаносиб бўлмоғи лозим. Бунинг учун терговчи томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда маълум бир ҳолат юзасидан бир нечта усуллардан, яъни усуллар мажмуидан фойдаланиши нотўғри бўлмайди. Фикримизча, ушбу ҳолатлар терговчини кўздан кечиришнинг тактик усулларини самарали қўллашига, шунингдек илмий-техник воситалар ва мутахассисларнинг касбий ёрдамидан самарали фойдаланишига, кўздан кечиришнинг барча иштирокчиларининг фаоллигини сафарбар қилишга, уларнинг ҳар бирининг имкониятларини максимал даражада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Босқинчилик жиноятларини оғир ва ўта оғир турларини очиш ва тергов қилиш хусусиятлари: Услубий қўлланма/Генерал-майор Ш.Т.Икрамов умумий таҳририда. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 29 б. (Features of identifying and investigating serious and especially serious types of aggression: Methodological guide / in the general edition of Major General Sh.T. Ikramov. - T. : Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015. - 29 p).
2. Степанов В.В. Тактика следственного осмотра и освидетельствования // Тактика следственных действий: учебное пособие / Под ред. В.И. Комиссарова. - Саратов: Изд-во СГАП, 2000. – С. 34. (Stepanov V.V. Tactics of



Investigative Inspection and Survey // Tactics of Investigative Actions: Study Guide / Ed. IN AND. Komissarov. - Saratov: Publishing House of SGAP, 2000. - 34 p).

3. Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма/Генерал-майор Ш.Т.Икрамов умумий таҳририда. - Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. - 79 б. (Inspection of the scene: Textbook / in the general edition of Major General Sh.T.Ikramov. - Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2014. - 79 p).

4. Зеленский В.Д. Тактика осмотра места происшествия // Криминалистика: учебник / Под общ. ред. Е.П. Ищенко и А.Г. Филиппова; под ред. В.Д. Зеленского и Г.М. Меретукова. - М.: Высшее образование, 2006. - С. 297. (Zelensky V.D. Tactics of inspection of the scene // Criminalistics: textbook / Under the general. ed. E.P. Ishchenko and A.G. Filippova; ed. V.D. Zelensky and G.M. Meretukov. - М.: Higher education, 2006. - 297 p).

5. Зеленский В.Д. Тактика осмотра места происшествия // Криминалистика: учебник / Под общ. ред. Е.П. Ищенко и А.Г. Филиппова; под ред. В.Д. Зеленского и Г.М. Меретукова. - М.: Высшее образование, 2006. - С. 298. (Zelensky V.D. Tactics of inspection of the scene // Criminalistics: textbook / Under the general. ed. E.P. Ishchenko and A.G. Filippova; ed. V.D. Zelensky and G.M. Meretukov. - М.: Higher education, 2006. - 298 p).

6. Кельбялиев К.Р. Учебное пособие (курс лекций) по дисциплине «Осмотр места происшествия» для направления подготовки «Юриспруденция», профиль «Уголовное право», Махачкала: ДГУНХ, 2016. - С. 74. (Kelbyaliev K.R. Textbook (lecture course) on the discipline "Inspection of the scene" for the direction of training "Jurisprudence", profile "Criminal Law", Makhachkala: DGUNKh, 2016. - P. 74).

7. Гросс Г. Руководство для судебных следователей как система криминалистики / Г. Гросс. Нов. изд., перепеч. с изд. 1908 г. - М.: ЛексЭст, 2002. - С. 168. (Gross G. A guide for forensic investigators as a system of criminalistics / G. Gross. New ed., reprech. from ed. 1908 - М.: LeksEst, 2002. - 168 p).

8. Чупина В.В Особенности осмотра места происшествия в уголовном процессе // Вестник казахско-русского международного университета - 2017. - №2. - С. 283. (Chupina V.V. Features of the inspection of the scene in the criminal process // Bulletin of the Kazakh-Russian International University - 2017. - No. 2. - P. 283).

9. Ищенко Е.П., Топорков А.А. *Криминалистика* (Учебник) (2010, 2-е изд., С. 784. (Ishchenko E.P., Toporkov A.A. Criminalistics (Textbook) (2010, 2nd ed., P. 784).

10. Шарафутдинов А.О. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби: Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022. - 170 б. (Sharafutdinov A.O. The procedure for conducting and



formalizing the investigative action of the inspection: Proc. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2022. - 170 p).